

**Миллий валюта “Сўм рамзи”ни яратиш бўйича
Марказий банкнинг танловини ўтказиши
ҚОИДАЛАРИ**

1. Танловнинг умумий қоидалари ва мақсади

1.1. Ушбу хужжат Миллий валюта “Сўм рамзи”ни яратиш бўйича Марказий банкнинг танловини (кейинги ўринларда – Танлов) ташкил этиш ва ўтказиши тартибга солади.

1.2. Танлов Марказий банк томонидан пул бирлиги рамзини яратишга кенг жамоатчиликни жалб этиш, миллий валюта белгисини яратиш мақсадида ўтказилмоқда.

1.3 Танлов доирасида мамлакатнинг миллий валютасини глобал миқёсда осон танилиши, ўзига хос жиҳатларини ажратиб олиниши, шунингдек маъновий ва фарқланувчи хусусиятларини кўрсатиб бериш бўйича энг яхши график ишлар аниқланади.

2. Танлов иштирокчилари

2.1. Танловда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

2.2. Танловда Марказий банк ходимлари ва тижорат банклари, шунингдек уларнинг қариндошлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

3. Танловнинг техник шартлари

3.1. Танловга ҳар бир иштирокчидан индивидуал муаллифлик ишлари бир ёки бир неча кўринишда (версияда) қабул қилинади. Таклиф этилаётган миллий пул бирлиги рамзининг аниқ тасвирланган концепцияси тақдим этилиши шарт. Тақдим этилаётган иш танлов мақсадига мос келиши лозим.

3.2. Сўм рамзи тасвирига қўйиладиган талаблар:

пул бирлиги рамзи тасвири график (jpeg, png) ва вектор форматида (cdr, ai) ёки қўлда чизилган ҳолатда тақдим этилади;

Сўм рамзи қисқа, ўзига хос (уникал), оддий, универсал, ўлчам ўзгартирилганида ва оқ-қора тасвирда ҳам ўз кўринишини сақлаб қолиши керак;

Сўм рамзи тасвири устида ишлашда бадиий техника ва график мұҳаррирлардан фойдаланишга рухсат этилади. Эскизни график ёки бадиий, рангли кўринишда график ва вектор форматларида яратиш мумкин.

3.3. Танловда тақдим этилган ишда учинчи шахсларнинг хуқуқларини бузиши ва/ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келиши мумкин бўлган маълумотлар бўлмаслиги керак.

3.4. Сўм рамзи концепциясига қўйиладиган талаблар:

Сўм рамзи концепциясида тасвирнинг маъноси ва мазмуни (яратилган элементларнинг гояси, мазмуни, моҳияти, мақсади) бўйича муаллифнинг шахсий талқинини ўз ичига олиши керак.

4. Аризаларни тақдим этиш

4.1. Танлов иштирокчилари кўйидагиларни:

- ариза (иловага мувофиқ);
- танлов иши;

• танлов концепциясини tanlov@cbu.uz (хат мавзусида “Миллий валюта рамзини яратиш бўйича танлов” деб кўрсатган ҳолда) электрон почта манзили, 100001, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 6 почта манзилига, ҳудудий Бош бошқармалари (<https://cbu.uz/oz/about/central-office/regional/>) орқали юбориши ёки шахсан электрон хотирада Марказий банкка етказиши лозим.

5. Танлов ишларини баҳолаш мезонлари

5.1. Танлов ҳайъати танлов иштирокчилари ишларини кўйидаги мезонларга мувофиқ баҳолайди:

- Ўзига хослик (унивал) ва оригинал;
- Универсаллик;
- Осон таниб олиниши;
- Рамзий ва фарқли жиҳатлари;
- Концепциянинг мавжудлиги ва унинг батафсил тавсифи;
- Сўм рамзининг турли форматларда график қўлланилишининг қулийлиги (хар қандай ўлчамдаги реклама ва ахборот воситалари, плакатлар, варажалар, плакатлар, ташқи рекламада).

6. Танлов ташкилий қўмитаси

6.1. Танлов ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ходимларидан ташкил топган ва қўйидагиларни амалга оширади:

- иштирокчилардан аризалар ва танлов ишларини йиғиши;
- танловга тақдим этилган ишлар, материаллар ва хужжатларни текшириш, шу жумладан ишларни контрафактга текшириш ишларини ташкил этиш;
- танловни ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- танлов ҳайъати томонидан баҳолаш учун ҳар бир танлов ишига индивидуал шифр рақамини бериш;

• Жамоатчилик билан алоқалар ва коммуникацион сиёсат департаменти билан биргаликда Марказий банк веб-сайти ва ижтимоий каналларида танлов бўйича эълонларни бериб бориш;

• мазкур ҳужжатнинг 2 ва 3 бандларида кўрсатилган Танлов шартларига мос келмаган ишларни муаллифни огоҳлантирмасдан Танловда иштирок этишдан четлатиш бўйича таклифларни Танлов ҳайъатига киритади.

6.2 Танловнинг ташкилий қўмитаси танлов ишларини жамоатчилик эътиборига тақдим этиш ва танлов жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритиш мақсадида муаллифни хабардор қилмасдан ва уларга ҳақ тўламасдан ҳар қандай танлов ишларини тўлиқ ёки қисман нашр этиш хукуқига эга.

7. Танлов ҳайъати

7.1. Танлов ишларини баҳолаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банки вакиллари, Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайнерлик институти ва Интеллектуал мулк агентлигининг мутахассисларини ўз ичига олган танлов ҳайъати тузилади.

7.2. Танлов ҳайъатининг ҳар бир вакили танлов мезонларига жавоб бермайдиган танлов ишларини асослантирган ҳолда баҳоламаслик ҳукуқига эга.

7.3. Танлов ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг камида 2/3 қисми (кворум) Танлов ишларини баҳолаган тақдирда якуний натижалар инобатга олинади ва ваколатли ҳисобланади.

8. Танловни ўтказиш шартлари ва тартиби

8.1. Танлов икки босқичда ўтказилади:

1-босқич: саралаш босқичи;

2-босқич: якуний босқич.

8.2. Саралаш босқичида Танлов ташкилий қўмитаси ишларни техник талабларга мослигини текшириб, якуний босқичга ўтказиш учун муносиб ишлар бўйича Танлов ҳайъати аъзоларига таклиф киритади.

8.3. Танловнинг якуний босқичига ўтган ишлар Танлов ҳайъати томонидан баҳоланиб, энг яхши ишлар Интеллектуал мулк агентлиги хизматидан фойдаланган ҳолда “Сўм рамзи” лойиҳаси учун контрафакцияга текширилади.

8.4. Контрафакцияга йўл қўйган ишлар Танловдан четлаштирилади.

8.5. Танлов ишлари 2022 йил 8 февралдан 31 марта (шу жумладан) қабул қилинади.

8.6. 2022 йил 31 марта кейин келиб тушган ариза ва ишлар Танловда иштирок этишига рухсат берилмайди.

8.7. Танловда иштирок этиш Танлов шартлари билан танишиб чиққанлик ва уларга түлиқ риоя этилишига розиликни англатади.

8.8. Ғолибларни танлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- танлов ишлари 2022 йил 1 апрелдан 30 апрелгача Танлов ҳайъати томонидан баҳоланади ва энг яхши иш аниқланади. Баҳолашнинг шаффоғлигини таъминлаш мақсадида барча ишлар махсус индивидуал рақамлар билан шифрланади.
- мазкур ҳужжатнинг З-бандида қўрсатилган танлов шартларига мос келмайдиган танлов ишлари танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилмайди.
- танлов ҳайъатининг баҳолаш натижаларига кўра Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ижобий хulosса берилган ишлар орасидан танлов ғолиби аниқланади.
- танлов жараёнлари ва натижалари бўйича шикоятлар/аппеляциялар қабул қилинмайди.
- агар ғолиб аниқланмаса, танлов ҳайъати танловни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш хуқуқига эга.

Танлов ғолиби Марказий банкнинг расмий веб-сайти ва ижтимоий саҳифаларида эълон қилинади.

8.9. Танлов ғолиби учун **15 000 000 (ўн беш миллион) сўм** миқдорида пул мукофоти берилиши кўзда тутилган.

9. Муаллифлик хуқуқлари

9.1. “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонунга риоя этилишига Танловда иштирок этиш учун ўз ишини топширган иштирокчи шахсан жавобгардир.

9.2. “Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонунига асосан Танлов доирасида иштирокчиларнинг “Сўм рамзи” лойиҳасидан унинг розилигисиз фойдаланиши (контракфакцияга текшириши, кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этиши ва босма ОАВда чоп этиши) мумкин.

9.3. Танловда муаллиф томонидан бошқа шахсларнинг яратган ишлари билан ёки улардан фойдаланган ҳолда иштирок этишига йўл қўйилмайди ва унинг ўз шрифти (янги элемент) билан яратилган ишлар қабул қилинади.

9.4. Марказий банк бошқаруви томонидан “Сўм рамзи” расман қабул қилинаётганда “Сўм рамзи” лойиҳасига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.5. Марказий банк бошқаруви томонидан “Сўм рамзи” Интеллектуал мулк агентлиги орқали қабул қилинганидан (тасдиқланганидан) сўнг мазкур миллий валютанинг расмий рамзидан лойиҳани ишлаб чиқсан шахснинг исми-шарифини кўрсатмаган ҳолда фойдаланилади.

9.6. Танлов натижасига кўра расман “Сўм рамзи” деб қабул қилинган лойиҳадан фойдаланишда Марказий банк мутлақ хукуқга эга.

Кўшимча саволлар учун алоқа рақамлари:

+99871 212-73-56; +99871 212-73-58.

Илова

**Миллий валюта “Сўм рамзи”ни яратиш бўйича
Марказий банкнинг танловида иштирок этиш учун
АРИЗА**

Иштирокчи хақида маълумот:	
Муаллифнинг Ф.И.О.	
Яшаш манзили:	
Телефон рақами:	
Сўм рамзининг тавсифи:	
Муаллифнинг Сўм рамзи маъноси бўйича ўз талқини:	

“Муаллифлик хуқуқи ва турдош хуқуқлар тўғрисида”ги Қонунга тўлиқ риоя этилишини шахсан кафолатлайман.

Мен, _____ учинчи шахсларнинг муаллифлик хуқуқларини бузганлик учун шахсан жавобгарликни ўз зиммамга оламан. (ҳам маънавий ҳам иқтисодий жиҳатдан).

Танловда ўз лойиҳам билан иштирок этарканман, менинг лойиҳам Марказий банк томонидан ғолиб деб топилса, унга қўшимча ўзгартирислар киритилишига розиман ва мулкий ҳуқуқлар мутлақ Марказий банкка ўтишидан хабардорман.

ФИО

Имзо

Сана

Изоҳ: Имзоланмаган аризалар